

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Институт директорининг
биринчи ўринбосари
З.Халдаров**

“04” сентябрь 2026 й.

**08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича
таянч докторантурага кириш имтиҳони**

ДАСТУРИ

**Тузувчилар:
Лойиҳа раҳбари
Бош мутахассис**

**И.ф.д., проф. Ахмедов Т.М.
PhD, к.и.х. Юлдашев Н.Н.**

ТОШКЕНТ – 2026

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари ўзига хос табиий ресурслари, инсон капитали салоҳияти, иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, ривожланиш даражаси ва соҳавий ихтисослашуви билан ажралиб туради. Зеро, мамлакат иқтисодиёти тўғрисидаги билимлар унинг барча ҳудудлари борасидаги чуқур, ҳар томонлама ва фактларга асосланган маълумотлардан шаклланади. Шу нуқтаи назардан, ҳудудлар иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ҳамда ҳудудий барқарор ўсиш тўғрисидаги илмий таҳлиллар катта аҳамиятга эга.

Минтақа иқтисодиёти таркибий тузилмасини ўрганиш нафақат иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш, балки ҳудудий сиёсатни илмий асосда шакллантириш ва стратегик йўналишларни белгилаш имконини беради. Минтақавий иқтисодиёт фани ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш усуллари, ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий ўсишнинг янги манбалари ва омилларини самарали жорий этиш масалаларини ҳам ўрганади.

Шунингдек, ушбу фан иқтисодий ўсиш механизмларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш, ҳудудларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий, кичик саноат зоналари ва ҳудудий кластерларни самарали ташкил этиш, урбанизация жараёнларини мувофиқлаштириш соҳаларида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ушбу дастур 08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича барча паспорт талабларини ўз ичига олади ва ҳудудий иқтисодиёт йўналиши бўйича кириш имтиҳонларини топшириш учун мўлжалланган.

Дастур институт илмий Кенгашининг 2026 йил 27 августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган (13-сонли баён).

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтига
08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича
таянч докторантурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

Минтақавий иқтисодиётнинг назарий-методологик асослари. Минтақавий иқтисодиётнинг предмети, вазифалари ва тадқиқот объектлари. Миллий иқтисодиётда минтақавий ривожланиш жиҳатлари. Минтақавий иқтисодиётга оид замонавий назариялар ва илмий мактаблар. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳудуд ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари ва хусусиятлари. Кобб–Дуглас ишлаб чиқариш функцияси ва уни минтақавий иқтисодиётда қўллаш имкониятлари.

Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра Ўзбекистон ҳудудларининг табақаланиши (сабаблари ва омили). Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий таркиби. Мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш омили. Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигининг ҳудудий жиҳатлари. Ҳудудларда камбағаллик даражаси ва уни пасайтириш йўллари. Ўзбекистон ҳудудларидаги демографик вазиятни баҳолаш. Ўзбекистон минтақаларининг экологик муаммолари.

Ҳудудларнинг тармоқ ва соҳа бўйича ривожланиши. Мамлакатда саноатни ривожлантиришнинг ҳудудий хусусиятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инфратузилманинг (ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор) ўрни ва аҳамияти. Қишлоқ жойларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари. Минтақаларни барқарор ривожлантиришда институционал омилларнинг ўрни. Ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, оқилона ихтисослаштириш. Иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш) ҳудудларда “ўсиш” нуқталари ва драйверлар сифатида жойлаштириш.

Инновацион, инвестицион ва экспорт йўналишлари. Минтақа иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг манбалари ва омили. Минтақаларда инвестицион сиёсатнинг асосий йўналишлари. Ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш омили ва чора-тадбирлари. Ўзбекистон ҳудудлари экспорт салоҳиятини баҳолаш. Минтақа иқтисодиётини молиялаштириш манбалари.

Урбанизация ва шаҳарсозликни ривожлантириш. Урбанизациянинг моҳияти. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари, хусусиятлари ва истиқболлари. “Янги Ўзбекистон” массивлари – урбанизациянинг амалий ифодаси. Шаҳарларда қулай ҳаёт муҳитини шакллантириш, транспорт тизими ва «яшил» ҳудудлар. Шаҳарларга моил хизмат турларини ривожлантириш.

Худудий сиёсат, бошқарув ва прогнозлаш. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг қонуний ҳуқуқлари. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш усуллари. Худудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш услубиёти ва амалиёти. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш камбағалликни қисқартиришнинг худудий жиҳатлари. Маҳаллий бюджетлар ва бюджетлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти. Келажакда минтақаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва номарказлаштириш сиёсати.

Худудларни ривожлантиришнинг самарали шакллари (эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат ва ёшлар зоналари, кластерлар ва бошқалар). Кичик саноат зоналарининг моҳияти ва тушунчаси, худудлар иқтисодиётидаги роли. Махсус иқтисодий зоналар ва уларнинг аҳамияти. Соҳа ва тармоқларда кластерларни шакллантиришнинг худуд иқтисодиётига таъсири. Зоналар фаоллигида мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари

Маҳалла — мамлакат худудий тизимининг бошланғич ва муҳим қисми. “Маҳаллабай” ишлаш тизимининг моҳияти ва асосий вазифалари. Маҳалла кесимида аҳолининг эҳтиёжлари ва муаммоларини ўрганишнинг роли. Манзилли ижтимоий ёрдам ва аҳолини қўллаб-қувватлаш механизмлари (“Камбағаллар реестри”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”). Маҳалла даражасида иқтисодий фаоллик, “ўсиш” драйверлари” ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари.

Минтақада “Яшил” ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш. “Яшил иқтисодиёт” тушунчаси, моҳияти, асосий тамойиллари. “Яшил” иқтисодиётни худудларда амалга оширишга қаратилган ислохотлар ва уларнинг асосий йўналишлари. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси. Рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектдан фойдаланиш.

“Ўзбекистон - 2030” стратегиясида худудларни ривожлантириш учун белгиланган мақсад ва вазифалар. Стратегияда худудларни комплекс ривожлантириш. Урбанизация стратегиясини амалга ошириш. Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш. Маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш. Глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграцияни чуқурлаштириш ва худудий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш. Саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш ва худудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш. Экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган мақсадлар. Алоҳида худудлар кесимида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг аҳамияти ва усуллари. Худудий стратегияларда уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари.

АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2023 йил, 11 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-21-сон “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2026 йил, 16 февраль.
3. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Ташкент. Фан. 1992 г.
4. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Ташкент. Иқтисод-молия, 2005 г.
5. Пчелинцев О.С. Региональная экономика в системе устойчивого развития. М.: «Наука», 2014 г.
6. Калинникова И.О. Управление социально-экономическим потенциалом региона: Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2012. - 240 с.
7. Косарева Н.Б. Экономическая урбанизация. Москва, Фонд «Институт экономики города», 2018. - 418 с.
8. Назаров Ш. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. Ташкент, 2014. -212 с.
9. Мухаммадиев, Отажонов Ш. Кластерлар сиёсати-худудларни инновацион салоҳиятини оширишнинг муҳим омили ҳамда таркибий қисми сифатида. Ж. Общественные науки в Узбекистане №3, 2013, -с.19-27
10. Эгамбердиев Ф. ва бошқалар. Минтақалар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш. Тошкент, 2020 й., - 204 бет.
11. Абдурахмонов К.Х. и др. Региональная экономика и управление. Ташкент, 2007, - 750 с.
12. Отабоев Ш.Х. ва бошқалар. Туман (шаҳар) иқтисодиётининг ўсиш драйверларини аниқлаш: методология ва амалиёт. - Тошкент: “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2023 й. 224 б.
13. Хамзина Ш.Ш., Шадиев К.Х. Основы зеленой экономики. М.: Первое экономическое издательство, 2020. - 244 с.